БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 77 (17.359). ● 4 апрель 1979 йил, чоршанба ● Баҳоси 2 тийин

# ПАХТАЧИЛИКДА САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТГА КЎПРОҚ ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

● ЧИГИТ ЭКИШНИ ҚИСҚА МУДДАТЛАРДА ВА АГРОТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ЮКСАК ДАРАЖАДА ЎТКАЗИШ ЖУДА МУҲИМ ИШДИР.

● ТУПРОҚНИНГ ҚАТҚАЛОҚ БЎЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙДИГАН САМАРАЛИ УСУЛНИ КЕНГ ЁЙАЙЛИК!

● ЧОРВАЧИЛИКНИ САНОАТ УСУЛИГА КЎЧИРИШ АСОСИДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРАЙЛИК!

● МАВЖУД БАРЧА РЕСУРСЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК!

● ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ ҲАММАНИНГ МУЛКИГА АЙЛАНСИН!

НАМАНГАН, 3 апрель. (ЎзТАГ). «Қизил равот» элита — уруғчилик совхози республикада мўл пахта ҳосили етиштириш билан ном чиқарган. Совхоз хўжалик юритишнинг прогрессив форма ва методларини, илғор тажрибани жорий этиш, ишларни юксак даражада механизациялаш, фан ва техника ютуқларини самарали қўлланиш асосида шундай мўл ҳосил олишга муваффақ бўлмоқда. Бу хўжаликда область семинар-кенгаши ўтказилди. Бу семинарда пахтадан мўл ҳосил етиштираётган моҳир усталар, колхоз ва совхозларнинг, қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари, партия, совет ходимлари қатнашдилар. Семинар-кенгашда Андижон область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри А. Уркинбоев иштирок этдилар. Область партия комитетининг биринчи секретари М. Камолов прогрессив методларни жорий этиш асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва унинг асосий тармоғи бўлмиш пахтачиликни юксалтириш тадбирлари тўғрисида доклад қилди.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан ўртоқлар — Задарё район партия комитетининг биринчи секретари У. Холдоров, «Дўстлик» совхози пахтачилик бригадаси бошлиғи А. Шарипов, Поп территориал ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А. Одилов, Янгиқўрғон районидаги «Москва» колхозининг раиси Ю. Бобохонов, Учқўрғон районидаги Ленин номли совхоз директори Ф. Турсунов юқори ҳосил учун курашнинг ҳамма босқичларида прогрессив методларни, фан-техника тараққиёти ва илғор тажриба ютукларини колхоз ва совхозлар практикасига кенг жорий этиш жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Ҳозирги пайтда чигит экишни қисқа муддатларда ва агротехника жиҳатидан юксак даражада ўтказиш жуда муҳимдир. Чигитни аниқ миқдорда экишга алоҳида эътибор бериш лозим. Бу чора уруғлик чигит сарфини икки ярим баравар камайтириш имконини беради, яганалаш каби сермеҳнат ишга эҳтиёж қолдирмайди, чигитнинг униб чиқиш сифатини яхшилайди.

Тупроқнинг қатқалоқ бўлишига йўл қўймайдиган самарали усулни қўллаб-қувватлаб кенг ёйиш керак. Бу усул республикадаги илғор хўжаликларда муваффақиятли қўлланилмоқда. Ана шу хўжаликларда сеялкаларга оддий усулда тайёрланган қурилмалар ўрнатилади ва улар ёрдамида тупроққа қуруқ органик ўғитлар, кул, лигнин ва қум солинади. Бу метод чигитнинг бир текис униб чиқиши ва илк вегетация даврида ниҳолларни сақлаб қолиш имконини беради.

Илғорларнинг бошқа бир ташаббусини қўллаб-қувватлаш керак. Улар минерал ўғитларни энг мақбул муддатларда моҳирлик билан ишлатиб, озиқлантиришни 20 июнгача тамомлайдилар. Бу эса пахтанинг етилишини тезлаштиради, барвақт ҳосил олиб, уни кузги ёғингарчилик бошланишига қадар йиғиштириб олишга ёрдам беради.

Семинарда ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш усулини кенг қўлланиш зарур эканлиги тўғрисида гап борди. Биологик метод химиявий ишлов бермаслик, ўсимликларни ҳимоя қилиш учун бўладиган сарфларни кескин суратда камайтириш имкониятини яратади. Шу муносабат билан Наманганда трихограмма етиштириладиган фабрика қурилишини жадаллаштириш зарур эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Республика олимлари атроф-муҳитни булғамайдиган янги «Альфа», «Удм» ва «Ўзган» дефолиантларини яратдилар. Янги препаратлар, шунингдек ғўзани парвариш қилишда «ОВХ-14» ва «ОВХ-28» пуркагич чанглатгичлардан кўплаб фойдаланиш, заҳарли химикатларни ишлатмаслик, дефолиацияни ерда туриб кенг кўламда ўтказишга кўмаклашади.

Областдаги кўпгина колхоз ва совхозларда нарядсиз звено системаси жорий этилди. Пировард натижаларга — олинадиган ҳосилга қараб меҳнат ҳақини белгилашга асосланган илғор усулни ҳамма жойда қўлланиш зарур. Бу усул пахтакорнинг ўз меҳнати учун масъулиятини оширади, меҳнат унумдорлигини ўстириш учун яхши омил бўлиб хизмат қилади.

Семинар-кенгашда ҳосилни машинада териб олиш ҳажмини кўпайтириш тўғрисида гап борди. Колхоз ва совхозлар ингичка толали, ўрта толали пахтани, уруғлик пахтани терадиган машиналарни, махсус агрегатлар ва тўкилган пахтани терадиган механизмларни олмоқдалар. Ҳар бир хўжаликда ҳозирнинг ўзидаёқ техникадан фойдаланиш юзасидан аниқ план тузиб чиқиш, машинада териш ҳажмини олдиндан белгилаб қўйиш, механизатор кадрлар тўғрисида, ипатоволиклар методини кенг қўлланиш ҳақида ғамхўрлик қилиш лозим.

Семинар-кенгашда таъкидлаб ўтилганидек, чорвачиликни интенсивлаш, мустаҳкам ем-хашак базасини вужудга келтириш ишида мавжуд имконият ва резервлардан ҳар томонлама фойдаланиш, чорвачиликни саноат усулига кўчириш асосида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кескин равишда кўпайтириш, шу жумладан, паррандачилик ва чўчқачилик сингари тез етиладиган тармоқлар ҳисобига чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш учун реал шарт-шароитлар вужудга келтирилмоқда. Область чорвадорлари 1979 йилда гўшт етиштиришни 22 процент, сут етиштиришни 25 ва тухум етиштиришни 36 процент кўпайтиришга қарор қилдилар.

Бу вазифани бажариш учун ҳозирнинг ўзидаёқ пичан ўриш кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказиш зарур. Бунинг учун техникани тахт қилиб қўйиш, ихтисослаштирилган бригадаларни тузиш, табиий ўтзорлар ва экилган ўтлардан самарали фойдаланиш керак. Қўзилатиш кампанияси вақтида ҳар бир қўзини сақлаб қолиш муҳимдир. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам интенсив ривожлантиришни таъминлаш лозим. Боғдорчиликни бундан буён юксалтириш планларида лимонзорларни кенгайтириш муҳим ўрин олиши керак.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади. У республика қишлоқ хўжалиги йил сайин тобора кўп замонавий техника, капитал маблағ, минерал ўғитлар олаётганлигини, малакали кадрларнинг янги отряди колхоз ва совхозларга бораётганлигини уқтириб ўтди. Мавжуд барча резервлардан фойдаланиш, яхши уюштирилган ва ғоят унумли меҳнат, илғорларнинг тажрибаси — буларнинг ҳаммаси область пахтакорларининг экиш кампаниясини қисқа муддатларда, агротехника жиҳатидан юксак даражада ўтказишлари, ғўзани яхши парвариш қилишлари, бу йил камида 480 минг тонна «оқ олтин» етиштириб, давлатга топширишлари имкониятини беради.

Беш йилликнинг тўртинчи йили пахтакорлар, қишлоқ хўжалигининг барча ходимлари янги меҳнат зафарларига эришадиган йил бўлиб қолиши керак. Қишлоқ меҳнаткашлари янги муваффақиятларни қўлга киритиш учун деҳқончилик маданиятини юксалтиришлари, ихтисослаштириш ва концентрациялашни, техника тараққиёти ютуқларини кенг жорий этишлари, ҳамма ишларни механизациялаштиришлари, суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан олинадиган ҳосилни кўпайтиришга, барча сифат кўрсаткичларини яхшилашга эришишлари зарур. КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларининг қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг берган маслаҳатлари ва тавсиялари худди шу ишларни бажаришга чорлайди.

---

## ЧИГИТ ЭКИШ
# ГРАФИКДАН ЎЗИБ

Бу йил 2400 гектар қўриқ ерда пахта етиштирамиз. Шундан 700 гектарини ингичка толали пахта ташкил этади. Ҳар гектар майдондан ўртача 45 центнердан «оқ олтин» етиштиришга қарор қилганмиз.

Чигит экишни эрта бошладик. Ҳозир далаларимизда экипажлар графикдан ўзиб ишлаяпти, кунлик чигит экиш топшириғи ортиғи билан бажарилмоқда. Ҳозирдаёқ минг гектарга яқин майдонга барака уруғи қадалди. Ҳамма экипажларимиз ишда миқдор билан сифатни бир-бирига маҳкам боғлаб олиб бормоқдалар. Область Советининг депутати Адолат Носирова бошлиқ бригада 160 гектар ерда деҳқончилик қилиб, гектаридан 70 центнердан ингичка толали пахта етиштиради. Бригадага қарашли майдонларнинг катта қисмига чигит экиб бўлинди. Жўра Норқулов, Тоғай Эшқобилов бошлиқ экипажлар сифатга алоҳида эътибор берган ҳолда кунига бир ярим — икки кунлик графикка тенг чигит экмоқдалар.

Эломон Қўйлиев, Яхшимурод Эргашев, Ҳайит Раҳмонов, Тожи Ойназаров бошлиқ бригадаларимизда ҳам чигит экиш тезкорлик билан олиб борилмоқда.

Биз шароитни ҳисобга олиб, бу йил ингичка толали пахта етиштириладиган майдонларнинг ҳар гектаридан 120 минг туп, оқ пахта майдонларида 130—140 минг тупдан кўчат бўлишини таъминлашга аҳд қилдик. Чигит уяларга аниқ уруғ ташлайдиган сеялкаларда экиляпти. Бу билан яганага эҳтиёж қолдирилмайди.

Совхозимизнинг ҳамма бўлимлари ва бригадаларида чигит экиш оммавий равишда бошлаб юборилди. Бу муҳим ишни 7—10 иш кунида сифатли тугаллаймиз.

С. БАРОТОВ,
Нишон районидаги Чўли Бегимқулов номли совхоз директори.

---

Наманган районидаги Қўқимбой адирлари бағрида ташкил этилган «Самарқанд» совхози пахтакорлари чигит экишни районда биринчилар қаторида бошлаган эдилар. Миришкорлар баҳорнинг ғанимат дақиқаларидан унумли фойдаланиб ерга барака уруғи қадашни кун сайин жадаллаштирмоқдалар. Чигит экишда Жамолиддин Камолов бошлиқ бригаданинг Олимжон Мамадиёров, Ғуломжон Холиқов сингари сеялкачи ва механизаторлари пешқадамлик қилишяпти. Экипаж аъзолари кунига 8—10 гектар майдонга «Тошкент-1» навли чигитни экишмоқда. Суратларда (ўнгдан) бригада бошлиғи Ж. Камолов, механизатор О. Мамадиёров ва сеялкачи Ғ. Холиқов ўртоқлар экилаётган уруғни кўздан кечиришяпти. Чапда эса экипаж иш устида.

П. Акбаров фотолари.



---

# Самимий қутловлар

**Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Янош КАДАРга**

**Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг Раиси ўртоқ Пал ЛОШОНЦИга**

**Венгрия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Дьердь ЛАЗАРга**

Азиз ўртоқлар!

Миллий байрам — Венгрия фашизмдан озод қилинганлигининг 34 йиллиги муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети, бутун совет халқи Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетига, Венгрия Халқ Республикаси Президиуми ва Министрлар Советига, қардош Венгрия меҳнаткашларига самимий табриклар ва энг яхши истакларни йўллайдилар.

Фашист босқинчилар Венгрия диёридан 1945 йилнинг 4 апрелида батамом қувиб чиқарилган эди. Бунинг натижасида венгер халқи олдида порлоқ истиқболлар очилди, янги, бахтиёр ҳаёт қуришга киришиш имкони яратилди. Венгрия меҳнаткашлари ўзларининг синалган авангарди — Коммунистлар партияси раҳбарлигида озодликка эришилганидан кейин ўтган йиллар мобайнида туб социал-иқтисодий ўзгартишларни амалга оширдилар, замонавий саноатни, юксак даражада ривожланган қишлоқ хўжалигини вужудга келтирдилар, фан ва маданиятни ривожлантиришда талайгина натижаларни қўлга киритдилар ва ҳозирги вақтда ривожланган социалистик жамият барпо этиш программасини муваффақиятли суратда амалга оширмоқдалар.

Халқ Венгрияси Венгрия Совет Республикасининг шонли анъаналарини давом эттириб, марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларига амал қилиб жаҳон социалистик ҳамдўстлигини мустаҳкамлашга, Варшава Шартномаси ташкилоти билан Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши фаолиятини такомиллаштиришга, иқтисодий интеграция комплекс программасини амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Венгрия Халқ Республикаси социалистик мамлакатларнинг халқлар тинчлиги, хавфсизлиги учун, демократия ва социал тараққиёт учун биргаликда олиб бораётган курашида актив иштирок этиб, халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор қозонди.

Совет кишилари қардош Венгрия халқ ҳокимияти йилларида қўлга киритган ажойиб муваффақиятлардан сизлар билан бирга қувонмоқдалар. Мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларидаги ҳамкорлик кенг кўламда ривожланаётганлиги ва бу ҳамкорлик чинакам ўртоқлик характерида эканлигини Совет Иттифоқидагилар астойдил мамнуният билан қайд этмоқдалар. Социализм ва коммунизм қурилиши, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати, бутун дунёда тинчлик учун курашнинг барча асосий масалалари хусусида КПСС билан ВСИП қарашларининг бирлиги ана шу ҳамкорликнинг мустаҳкам негизидир.

Совет коммунистлари, бутун совет халқи сизларни Венгрия фашистлар зулмидан озод қилинганлигининг 34 йиллиги билан табриклаб, қардош венгер халқига социалистик қурилишда, Венгрия Социалистик ишчи партияси XI съезди қарорларини бажаришда янги катта муваффақиятларга эришувини тилаб, қизғин истакларни изҳор этадилар ҳамда коммунизм улуғ иши тантанаси йўлида халқ Венгрияси коммунистлари, барча меҳнаткашлари билан жанговар иттифоқ ва ҳар томонлама ҳамкорликни бундан буён ҳам ҳормай-толмай мустаҳкамлашга астойдил аҳд қилганликларини билдирадилар.

Яшасин совет ва венгер халқларининг қардошларча бузилмас дўстлиги!

Л. БРЕЖНЕВ | А. КОСИГИН

---

# ЭЛЧИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Покистон Ислом Республикасининг СССРдаги элчиси С. Ёқубхонни 3 апрель куни Кремлда қабул қилди. У Покистон президенти генерал Зиёул Ҳақнинг мактубини А. Н. Косигинга топширди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида ҳар икки томонни қизиқтирувчи масалалар тилга олинди.

(ТАСС).

---

НОМЕРГА ТЕЛЕГРАММА

# САМАРҚАНД АММОФОСИ

**САМАРҚАНД, 3 апрель. КПСС XXV съезди номидаги Самарқанд суперфосфат заводини реконструкция қилишнинг муҳим босқичи тугалланди. Бу ерда фосфор кислотаси ишлаб чиқарадиган янги цех ишга туширилди. Бу модда юксак самарали мураккаб ўғит бўлмиш аммофос ҳосил қилиш учун зарур.**

«Самаркандхимстрой» трестининг биринчи бошқармаси, «Химзашчита» Фарғона бошқармаси ва бошқа ташкилотларнинг коллективлари қурилишда 2 минг тоннага яқин металл конструкция монтаж қилдилар, катта ҳажмдаги қурилиш ишларини бажардилар, минггага яқин янги асбоб-ускуналар ўрнатдилар. Мамлакатнинг қирқ учта шаҳри ўзининг энг яхши монтажчиларини беш йилликнинг зарбдор қурилишига юборди.

Заводни реконструкция қилиш ишлари тугалловчи босқичга кирди. Аммофос цехида «ҳосилдорлик малҳами» тайёрланадиган учта барабан аппаратнинг бири синаб кўрилди. Қурилма нормал ишлаб турибди, қолган иккита барабанни монтаж қилиш тугалланмоқда. Технология конвейерининг бу ердаги якунловчи босқичида ҳам «Ишга туширилсин!» деган буйруқ бериладиган вақт яқин қолди. Эндиликда заводнинг Ўрта Осиё деҳқонлари учун минерал ўғит ҳосил қиладиган қувватлари икки ҳисса ортади.

С. ФЕНЮТИН,
ЎзТАГ мухбири.

---

МУБОРАК ВА ФОРИШЛИК ҚОРАКЎЛЧИЛАР ТАШАББУСИ ИЗИДАН

# УЛКАН МАРРАЛАР

**Қумқўрғон райони чорвадорлари Муборак ва Фориш районлари қоракўлчиларининг ташаббусига жавобан қўзилатиш кампаниясини муваффақиятли ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқдилар ва 1979 йил учун оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар.**

Район қоракўлчилари ўртасида қўзилатиш кампаниясини намунали ўтказиш, қўзи олишни кўпайтириш ва уни тўла асраб қолиш, қўйлар туёғини кўпайтириш учун кенг социалистик мусобақа авж олиб кетди. Гагарин номли совхоздан Х. Алиёров, Ю. Хуччиев, «Ўзбекистон» совхозидан Р. Бобохонов, «Москва» колхозидан М. Чориев, «Қизил Октябрь» колхозидан Ч. Абдумўминов, Ульянов номли совхоздан Х. Аллазов бошлиқ чўпонлар бригадалари ҳар юз бош совлиқдан 190—205 тадан қўзи олиш, ҳамма урғочи қўйларни асраб қолиш ва ҳар бир отарда қўзилардан яна бир тўлиқ отар етиштириш мажбуриятини қабул қилдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Муборак ва Фориш районлари қоракўлчиларининг 1979 йилда қўйчиликни ривожлантириш соҳасидаги социалистик мажбуриятлари тўғрисида»ги қарори районнинг ҳамма хўжаликларида, қўйчилик фермаларида ва чўпонлар бригадаларида муҳокама этилди. Район қўйчивонлари барча мавжуд имкониятларни яна бир бор кўриб чиқиб, бу йил умуман районда ҳар юз бош совлиқдан 160 тадан қўзи олишга, 56 минг бош қўзини, шу жумладан 45 минг бош урғочи қўзини ўстириш учун қолдириб, уларнинг ҳаммасини тўла асраб қолишга аҳд қилдилар. Йил охирига бориб, қўй ва эчкилар жами 114 минг бошга етказилади ёки 21 минг бош кўпайтирилади, қоракўл тери ва жун тайёрлаш планининг бажарилиши таъминланади. Биринчи сорт қоракўл тери олиш 90 процентга, ҳар бир қўйдан ўртача қирқиб олинадиган жун тўрт килограммга етказилади.

Ҳозирги вақтда ҳамма жойда совлиқлар ёппасига қўзилай бошлади. Ҳозирдаёқ 45 мингтадан кўпроқ қўзи олинди, шулардан 27 мингтаси ўстириш учун олиб қолинди. Фермаларнинг ҳаммасида қўзилатиш кампаниясини муваффақиятли тугаллаш ва 1979 йилга қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун зарур шароитлар яратилган.

---

# МАВСУМ СОЗ ЎТАДИ

Совхозимиз Ховос районидагина эмас, балки Сирдарё областида ҳам йирик қўйчилик хўжалиги ҳисобланади. Совхозимизда жами 12700 бош қўй бор. Шундан 5717 боши совлиқдир. Ўтган йили биз қишловга ҳар қачонгидан ҳам пухта тайёргарлик кўрган эдик. Пландагидан икки ярим марта кўп табиий пичан, икки йилликка етадиган ем жамғарилган эди. Натижада қўй-қўзиларни қишловдан яхши олиб чиқдик.

Қўзилатиш мавсуми бу йил барвақт бошланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган Муборак ва Фориш райони қоракўлчиларининг ташаббуси бизни ҳам янги марраларга отлантирмоқда. Совхозимиз чўпон-чўлиқлари, барча чорвадор ва мутахассислари қимматли ташаббусни пухта ўрганиб чиқдилар. Бунга жавобан ўз зиммаларига янги мажбуриятлар қабул қилишди. Жумладан биз бу йил совлиқларимиздан пландаги 4970 бош ўрнига 6110 бош қўзи олишга қарор қилдик. Уларнинг деярли юз фоизини ўстириш учун қолдирамиз. Ҳозир барча отарларда қўзилатиш муваффақиятли ўтаётир. Назирқул Ортиқбоев бош бўлган отарда мавсум тугай деб қолди. Мазкур отар коллективи қисқа вақт ичида совлиқлардан 375 қўзи олиб, планни ошириб адо этди. Ҳозирги кунда эса зиммадаги юксак мажбурият ҳисобига иш олиб борилаётир.

Шунингдек, Эгам Жуманов, Эргаш Яҳёев, Бобоқул Саидматов, Шоим Жўрақулов ўртоқлар бош бўлган отар коллективлари ҳам ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, ҳар юз бош совлиқдан камида 110-112 бошдан қўзи олишга қарор қилдилар.

Х. ИСКАНОВ,
Ховос районидаги «Ховос» совхози директори.

---

# «ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ТАРАДДУДИ

Тошкент метроси линиясида Бутуниттифоқ шанбалик куни йўлга чиқадиган биринчи составни машинист Ю. Шоқосимов бошлиқ энг яхши комсомол-ёшлар бошқариб борадиган бўлди. У ёрдамчиси Н. Муҳитдинов билан бирга меҳнат байрамини «бошлаб беради». Бошқа 14 экипаж ҳам доҳиймиз Ильич туғилган куннинг 109 йиллигини зарбдор иш билан нишонлашга аҳд қилди.

Метрополитеннинг қолган меҳнатчилари штаб ишлаб чиққан конкрет планга мувофиқ коммунистик шанбаликда иштирок этадилар. Шу куни 4 вагонга техникавий хизмат кўрсатиш, 92 алоқа асбобини ремонтдан чиқариш, бошқа ишларни бажаришга қарор берилди. Кўп кишилар территорияни ободонлаштириш, дарахт кўчатлари, буталар ўтказиш билан шуғулланадилар. Лекин ҳамиша бўлганидек, пассажир составларининг аниқ-пухта ишлаши Тошкент метрополитенининг меҳнат байрамига қўшган энг асосий ҳиссаси бўлади.

●

Тошкент экскаватор заводининг меҳнатчилари коммунистик шанбалик кунида республика мелиораторларининг буюртмаси — икки қудратли машинани тайёрлаб беради.

Металл конструкциялар цехининг электр пайвандчиси Юрий Фоминский ва унинг ўртоқлари 21 апрелни энг юксак унумдорлик кунига айлантиришга аҳд қилдилар. Йиғув цехининг илғор ишчилари Рашид Ҳамроқулов, Владимир Романов ҳам худди шундай ишлашга қарор бердилар.

Меҳнат байрамида салкам 2 минг киши иштирок этади. Улар 30 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Бунинг кўп қисми тежаб қолинган электр энергия ва материаллар ҳисобидан тайёрланади.

●

Самарқанд областидаги Жонбой темир бетон буюмлар заводининг коллективи ишчилар йиғилишида Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик куни бажарадиган ишлари планини якдиллик билан тасдиқлади. Сув хўжалиги объектлари учун 70 кубометр қурилиш деталлари тайёрлашга қарор қилинди. Бу — одатдаги топшириққа нисбатан анча кўпдир. Маҳсулотнинг ҳаммаси ғоят сифатли қилиб тайёрланади. Хизматчиларнинг бир қисми завод территорияси ва посёлка кўчаларини ободонлаштириш билан банд бўлади. Кўча ва йўлларнинг чеккаларига тераклар, акация ва бошқа дарахтлар ўтқазилади.

●

Москваликларнинг 21 апрелда В. И. Ленин туғилган куннинг 109 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббусига «Наманганводстрой» трестининг Чортоқ районидаги механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорлари якдиллик билан қўшилдилар. «Қизил шанбалик» куни амалга ошириладиган иш режалари белгилаб олинди. Умумхалқ ҳашарида 370 та ишчи қатнашади. Мавжуд барча механизмлар ишга сафарбар этилиб, 13600 куб метр тупроқ ишлари бажарилади. 600 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилади. Маъмурий бинолар ремонт қилинади.

Бир беш йилликда икки беш йиллик маррани эгаллашга аҳд қилган Боқибой Ражабов, Ҳаитбой Дадабоев каби бульдозерчи ва экскаваторчилар шу куни 2,5—3 нормадан иш бажариш мажбуриятини олдилар.

Шанбаликдан тушган 1200 сўм маблағни беш йиллик фондига ўтказишга қарор қилинди.

Шунингдек, мазкур трестга қарашли Уйчидаги 3-механизациялашган кўчма колоннада ҳам шанбаликка қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Шу куни объектларда 21 та экскаватор, 23 бульдозер, 13 та скрейпер ва бошқа техника воситалари ишлайди. 230 нафар қурувчи ва механизатор кучи билан 1300 сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади.

Ш. НИШОНОВ,
Наманган шаҳри.

---

# КОНКУРС ҒОЛИБЛАРИ

Вокалчиларнинг биринчи республика конкурси 3 апрель куни Тошкентда лауреатлар ва дипломантларнинг катта концерти билан тугади. Самарқанд опера ва балет театрининг солисти Дилором Ёқубова, Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг студентлари Юрий Зиновенко ва Нодира Қобуловалар опера-концерт ва камер бўлимлари бўйича ўтказилган ана шу ижодий мусобақада энг юқори баҳога сазовор бўлдилар.

Чайковский номидаги Москва давлат консерваториясининг профессори Г. И. Тиц бошчилик қилган жюри аъзоларининг фикрича, бу йилги конкурс Ўзбекистон вокаль мактаби катта муваффақиятга эришганлигини намойиш қилди. Конкурс лауреатлари Глинка номидаги вокалчилар бутуниттифоқ конкурсида қатнашиш ҳуқуқини олдилар. Бу конкурс шу йилнинг куз фаслида Таллинда ўтказилади.

(ЎзТАГ).

---

# УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

СОВЕТОБОД. «Улус» совхози деҳқонлари ҳар йили чорва учун тўйимли озуқа ҳисобланган беда ва кунгабоқардан мўл ҳосил олиб келмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг июль ва ноябрь Пленумлари қарорларидан илҳомланган хўжалик азаматлари бу йил шундай экин майдонларини янада кенгайтиришга аҳд қилдилар. 250 гектар ер беда ва 600 гектар майдон кунгабоқар уруғи сепишга тайёрлаб қўйилган эди.

Беда ва кунгабоқар экиш муваффақиятли ўтказилди. Бу ишда Эрка Бобоқулов, Саъдин Қорабоев, Турсун Омонов, Йўлдош Ҳусанов, Абдураззоқ Хушбоқов каби илғор механизаторлар ибрат кўрсатдилар.

Т. ЎСАРОВ,
Самарқанд области.

---

# ТОШКЕНТДА УЧРАШУВ

Италиянинг Совет Иттифоқидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ж. В. Маккотта Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов 3 апрель куни элчини қабул қилди. (ЎзТАГ).

---

# ЧЎЛДА САБЗАВОТЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ

Нишон районидаги 2-«А» совхозида 210 гектар қўриқ ерга бодринг, помидор, карам ҳамда пиёз экилди.

Қарши чўлидаги бу кенжа хўжалик Таллимаржон сунъий денгизининг яқинида жойлашган. Келгусида совхознинг экин майдонини 10 баравар кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Шундай қилиб, бу қўриқ совхоз Қарши даштида илк бор вужудга келган «Аврора», «Партия XXII съезди», «Қарши» совхозлари сингари сабзавот етиштиришга ихтисослаштирилган йирик хўжаликка айланади.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

